


**СЎЗ САНЪАТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**  
2 СОН, 3 ЖИЛД

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
ИСКУССТВО СЛОВА**  
НОМЕР 2, ВЫПУСК 3

**INTERNATIONAL JOURNAL  
OF WORD ART**  
VOLUME 2, ISSUE 3



**Бош муҳаррир:**  
**Холбеков Муҳаммаджон**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Тўхтасинов Илҳом**  
ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

**Таҳрир хайъати:**

**Назаров Бахтиёр**  
академик (Ўзбекистон)

**Якуб Умарўгли**  
ф.ф.д., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**  
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

**Боқиева Гуландом**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**  
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

**Махмудов Низомиддин**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**  
ф.ф.д., профессор (Россия)

**Жўраев Маматкул**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахиммамед**  
к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Жеймс Форт**  
Мичиган университети (АҚШ)

**Умархўжаев Мухтор**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Болтабоев Ҳамидулла**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Дўстмухаммедов Хуршид**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддиқова Ирода**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Шиукашвили Тамар**  
ф.ф.д. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**  
масбул котиб, доцент (Ўзбекистон)

**Главный редактор:**  
**Холбеков Муҳаммаджон**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Заместитель главного редактора:**  
**Тўхтасинов Илҳом**  
к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

**Редакционная коллегия:**

**Назаров Бахтиёр**  
академик (Ўзбекистон)

**Якуб Умар оглы**  
д.ф.н., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**  
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

**Бақиева Гуландом**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**  
д.ф.н., профессор (Татаристон)

**Махмудов Низомиддин**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**  
д.ф.н., профессор (Россия)

**Джураев Маматкул**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахиммамед**  
к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Джеймс Форт**  
Университет Мичигана (США)

**Умархаджаев Мухтар**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Балтабаев Ҳамидулла**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Дустмухаммедов Хуршид**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддиқова Ирода**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Шиукашвили Тамар**  
д.ф.н. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**  
отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

**Editor in Chief:**  
**Kholbekov Muhammadjan**  
Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Deputy Chief Editor**  
**Tuhtasinov Ilhom**  
Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

**Editorial Board:**

**Bakhtiyor Nazarov**  
academician. (Uzbekistan)

**Yakub Umarogli**  
Doc. of philol. sci., prof. (Turkey)

**Almaz Ulvi Binnatova**  
Doc. of philol. sci., prof. (Azerbaijan)

**Bakieva Gulandom**  
Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Minnulin Kim**  
Doc. of philol. sci., prof. (Tatarstan)

**Mahmudov Nizomiddin**  
Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Kerimov Ismail**  
Doc. of philol. sci., prof. (Russia)

**Juraev Mamatkul**  
Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Kurenov Rakhimmamed**  
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

**Christopher James Fort**  
University of Michigan (USA)

**Umardhodjaev Mukhtar**  
Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Mirzaev Ibodulla**  
Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Boltaboev Hamidulla**  
Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Dustmuhammadov Khurshid**  
Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Lixodzievsky A.S.**  
Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Siddiqova Iroda**  
Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Shiukashvili Tamar**  
Doc. of philol. sci. (Georgia)

**Yusupov Oybek**  
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

## ТИЛШУНОСЛИК

<b>1. Арслонов Абдимурод</b> АМИР ТЕМУР ФЕНОМЕНИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРГА ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ТАДҚИҚИ.....	5
<b>2. Ашуров Шаҳобиддин, Фарида Шукурова</b> ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ЭТИМОЛОГИЯСИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	13
<b>3. Ботирова Шахло</b> ИНСОН ВА ҲАЁТ ВОҚЕЛИГИНИ МЕТАФОРИК УЙҒУНЛАШТИРИШДА БАДИИЙ ПСИХОЛОГИЗМНИНГ ЎРНИ.....	19
<b>4. Исмоилов Хурматилло</b> СУД ҲУКМИ МАТНИ ВА УНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИ.....	24
<b>5. Киличева Мехринисо</b> ЖИН РАЙСНИНГ “КЕНГ САРҒАССО ДЕНГИЗИ” РОМАНИ ҚАҲРАМОНЛАРИ РУҲИЯТИГА ЁЛҒИЗЛИКНИНГ ТАЪСИРИ.....	32
<b>6. Komilova Gavharoy</b> МАQOLLAR TANLILIDA AKSIOLINGVISTIK YONDASHUV.....	38
<b>7. Муминова Азиза</b> ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА АСПЕКТУАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИНИ ИФОДАЛОВЧИ АНАЛИТИК ВОСИТАЛАР ХУСУСИДА.....	47
<b>8. Очилова Айгул</b> “УЛИСС” РОМАНИ МАТНИНИНГ СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	58
<b>9. Содиқова Юлдуз</b> ДЕЙКСИС ҲОДИСАСИ ТУШУНЧАСИ ҲАМДА ДИСКУРС ДЕЙКСИСИНИНГ АЙРИМ ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	68
<b>10. Усенова Гулмира</b> ЛИНГВОСТИЛИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ КОНЦЕПТА «АНА» В КАРАКАЛПАКСКОМ ХУДОЖЕСТВЕННОМ ДИСКУРСЕ.....	74
<b>11. Хамроева Шахло</b> МУАЛЛИФЛИК КОРПУСИНИНГ МУШТАРАК ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	80
<b>12. Хашимова Сабохат</b> ҲОЗИРГИ ХИТОЙ ТИЛИ СИФАТЛАРДА КОНВЕРСИЯ ҲОДИСАСИ.....	88
<b>13. Отабек Юсупов</b> ЛЕКСИК ДУБЛЕТЛАРНИНГ ТИЛШУНОСЛИКДА ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ.....	96

## АДАБИЁТШУНОСЛИК


<b>14. Абобакирова Одина</b> ЎЗБЕК БОЛАЛАР ҲИКОЯЧИЛИГИНИНГ УСЛУБИЙ-КОМПОЗИЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ.....	103
<b>15. Adizova Nilufar</b> SHOIR ERKIN VOHIDOVNING METAFORALARDAN FOYDALANISH MAHORATI.....	109
<b>16. Асадов Махмадиёр</b> АЛЬБЕР КАМЮ ВА ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД ПРОЗАСИДА АБСУРД ҚАҲРАМОН МУАММОСИ.....	117

<b>17. Асланова Ҳафиза</b> «ДЕВОНИ ГАДО»НИНГ ПОЭТИК ТАҲЛИЛИ ВА ТАРКИБИ.....	127
<b>18. Ahmedova Shohista</b> OMON MATJONNING “QUSH TILI” DOSTONI GENEZISI.....	133
<b>19. Қурбоналиева Махфират</b> МУТРИБИЙ САМАРҚАНДИНИНГ “ТАЗКИРАТ УШ-ШУАРО” АСАРИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	139
<b>20. Мусурманов Эркин</b> АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЁРКЕНТ ХОНЛИГИ ИЖОДКОРЛАРИ АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИ.....	145
<b>21. Муҳитдинова Бадиа</b> САЙИДАҲМАД ВАСЛИЙ САМАРҚАНДИЙ МАЪРИФАТПАРВАР ВА ТАРАҚҚИЙПАРВАР ОЛИМ.....	150
<b>22. Ruzmanova Roxila</b> NAZIRANAVISLIK AN’ANALARI HAQIDA.....	158
<b>23. Туропова Паризод</b> ШЕЪРИЯТДА ФАЛСАФИЙЛИК ВА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯ (Зухра Мамадалиева ижоди мисолида).....	166
<b>24. Умарова Махлиё</b> ИЖОДКОР ШАХС ВА ҚАҲРАМОН МУАММОСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	172
<b>25. Шарафатдин Сайымбетов</b> ҚАРАҚАЛПАҚ ПОЭМАЛАРЫНЫҢ ТАРИЙХЫЙ ДЕРЕКЛЕРИ ҲАМ ОЛАРДЫҢ РАЎАЖЛАНЫЎЫНДА КӨРКЕМЛИК ИЗЛЕНИСЛЕР.....	178
<b>26. Эшанкулова Сурайё</b> ГЕНЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБРАЗОВ ИСТОРИЧЕСКИХ ЛИЧНОСТЕЙ В УЗБЕКСКОЙ КЛАССИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ.....	184
<b>27. Эшонкулова Севинч</b> “ТАРИХИ АНБИЁ ВА ҲУКАМО” – МАЪНАВИЯТ ВА БАДИИЯТ НАМУНАСИ.....	192
<b>ТАРЖИМАШУНОСЛИК</b>	
<b>28. Соатова Нодира</b> ШУҲРАТ ИЖОДИДА АЁЛ СИЙМОСИНИ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ.....	198
<b>29. Abduvaliyeva O’g’iljon</b> PASHTU TILIDA NOTO’LIQ REDUPLIKATSIYANING YASALISHI.....	205
<b>30. Йигиталиева Зилола</b> МАТНДА МОДУСНИНГ ИФОДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ.....	210
<b>31. Ibragimov Jasurbek, Solijonova Dono</b> SIMILES IN THE TRANSLATIONS OF KUTADGU BILIG.....	216
<b>32. Yakubov Oybek</b> OLIY HARBIY TA’LIM MUASSASALARIDA XORIJIY TILLARNI O’QITISHNING ILG’OR METODLARI (ASSOTSIATSIYA METODI ASOSIDA).....	222
<b>33. Акбарова Зухро</b> ИНСОННИНГ ТИЛИ, РУҲИЯТИ ВА ОНГИНИНГ БОҒЛИҚЛИГИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	228

# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Асадов Махмадиёр Тураевич,  
Алишер Навоий номидаги Тошкент  
давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти  
e-mail: diyorbek.asadov@gmail.com

## АЛЬБЕР КАМЮ ВА ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД ПРОЗАСИДА АБСУРД ҚАҲРАМОН МУАММОСИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-2-16>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада адабиётшунослик илмининг муҳим тармоқларидан бўлган ва XX аср бошларида Фарб мамлакатлари адабиётида инсоннинг моҳиятини чуқур ўрганишга киришган, ҳаётнинг мазмуни ҳақидаги хулосалар анъанавий қолипларга, анъанавий тасаввурларга сиғмай қолган бир пайтда адабиётга маълум маънода туб бурилиш ясай олган модернизм адабий окимининг таркибий қисми бўлган экзистенциализм ва абсурд тамойиллари ҳақида сўз боради.

Шунингдек, мақола ёзувчининг адабий-эстетик қарашлари билан яратган асарлари ўртасидаги алоқадорликнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш, абсурд адабий окимининг етакчиси саналган Альбер Камю ижодини ўрганиш, шу асосда Мустақиллик даври ўзбек насридаги етакчи етакчи ёзувчиларидан бири Хуршид Дўстмуҳаммад ижодини жаҳон адабиёти контекстида, хусусан, А.Камю ижодига қиёсан ўрганишга қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, мақолада бадиий асардаги абсурд образи, инсон табиат қўйнида ёлғиз қолганида, жамиятдан бегоналашганида унинг руҳиятида кечадиган ҳолатлар талқин ва тадқиқ этилади. Шу билан бирга, ўзбек адабиётига таъсир асносида абсурд қаҳрамонни тадқиқ этишдаги Камюнинг бадиий маҳорати таҳлилга тортилади. А.Камю ва Х.Дўстмуҳаммад асарларининг қаҳрамонлари ўртасидаги типологик ўхшашликларнинг тўп асосларини аниқлашга эришилади.

**Калит сўзлар:** экзистенциализм, абсурд, абсурд қаҳрамон, абсурд одам, маънисиз, бесамар, умид, умидсизлик, бегоналашув, руҳий олам, табиат, жамият, инсон, ҳаёт, ўлим, яшаш маъноси, миф, мифология.

Асадов Махмадиёр Тураевич,  
Докторант Ташкентского государственного университета  
узбекского языка и литературы имени Алишера Навои  
e-mail: diyorbek.asadov@gmail.com

## ПРОБЛЕМА АБСУРДНОГО ГЕРОЯ В ПРОЗЕ АЛЬБЕРА КАМЮ И ХУРШИДА ДУСТМУҲАММАД

**АННОТАЦИЯ**

В этой статье описывается экзистенциализм и тенденции абсурда, которые являются составной частью художественного течения модернизма, являющийся важным направлением литературоведения и приступивший глубоко изучать человеческой сущности в литературе Западных стран в начале XX века, который в определённом значении смогло осуществить коренное изменение в литературе в тот момент, когда выводы о смысле жизни не поместились в традиционных рамках, в традиционных представлениях.

А также, статья имеет важное значение с тем, что в ней прослеживается исследования научно-теоретических основ связи между произведениями, созданные художественно-эстетическими взглядами писателя, изучения творчества А. Камю, который считается ведущим художественного течения абсурда, и на этой основе изучение творчества Хуршида Дустмухаммада, который является одним из ведущих писателей узбекской прозы в годы Независимости, на контексте мировой литературы, в особенности на сравнении с творчеством А. Камю.

Кроме этого в статье истолкован и исследован образ абсурда в художественном произведении, душевные состояния человека, когда он остаётся один на лоно природы, когда чуждается от общества. Вместе с тем, анализируется художественное мастерство Камю в исследовании абсурдного героя на основе влияния на узбекскую литературу. Определяется сущностные основы типологических сходств между героями произведений А. Камю и Х. Дустмухаммада.

**Ключевые слова:** экзистенциализм, абсурд, абсурдный герой, абсурдный человек, бессмысленный, безрезультатный, чаяние, отчаяние, отчуждение, духовный мир, природа, общество, человек, жизнь, смерть, смысл существования, миф, мифология.

**Asadov Mahmadiyor Tyrayevich,**  
A proponent doctorant of Tashkent State  
University named after Alisher Navoi  
e-mail: diyorbek.asadov@gmail.com

**THE PROBLEM OF AN ABSURD HERO IN THE PROSE OF ALBERT CAMUS AND KHURSHID DUSTMUHAMMAD****ANNOTATION**

In the article, the author discusses one of the most significant branches of literary science, existentialism and the trends of absurd, which are the main part of the literary trend, Modernism, which made a radical difference in literature when traditional stereotypes and traditional conclusions were out-of-date, and when a full-scale investigation was launched into the essence of human being in the early XX<sup>th</sup> century.

The author tries to investigate the scientific and theoretical principles of the connection between the literary and aesthetic viewpoints of the writer and the works he accomplished, to study the literary legacy of Albert Camus, who is considered to be the leading representative of the literary trend of absurd, and one of the most interesting importance of the article is that the author also tries to give his viewpoints on comparative study between the literary works of Albert Camus and the literary works of Khurshid Dustmuhammad, one of the leading representatives Uzbek prose of the independence period.

Besides those above, the author of the article conducts a detailed analysis of the absurd hero of the literary work and the situations which man experiences when they are lonely in nature, when they move away off the society. Also, the author of the article analyses Camus's literary art of making an absurd hero and his influence on Uzbek literature and succeeds in defining the typological similarities of the heroes of the works of Albert Camus and Khurshid Dustmuhammad.

**Key words:** existentialism, absurd, absurd hero, absurd man, nonsense, hope, hopelessness, moving away off, spiritual world, nature, society, human being, life, death, the meaning of life, myth, mythology.

“XX асрга келиб, инсоннинг моҳиятини ўрганиш чуқурлашди, ҳаётнинг мазмуни ҳақидаги хулосалар анъанавий қолипларга, анъанавий тасаввурларга сиғмай қолди. Натижада унинг мураккаб руҳиятига мос равишда бадиий тафаккурнинг ифода усуллари ҳам мураккаблашди, адабиёт ранг-баранглашди. Том маънодаги ҳақиқий адабиёт энди бевосита ўқувчилар талаби билан эмас, балки янги даврнинг тафаккур талабларидан келиб чиқиб, инсонни таҳлил қилишга киришди” [10:134]. Ажабмаски, бу талаб модернизм, постмодернизм, экзистенциализм, абсурд каби инсон ботинини таҳлил қилувчи кўплаб янги адабий оқимларнинг дастлаб француз адабиётида пайдо бўлишига, кейинчалик бутун Европада тараққий топишига олиб келган бўлса!

Экзистенциализм шахсни танҳоликка маҳкум этади, дейди таржимон Алишер Отабоев, бу йўналишда битилган асарлар сюжетида атроф муҳитдан, жамиятдан ва ҳатто ўзидан-ўзи бегоналашган персонажлар кўп учрайди. Инсон ҳаёти муқаррар нисбий ва омонат эканини, биз ишонган, таянган, кўниккан тартиб қоидалар исталган вақтда ер билан яксон бўлиб, измимизга бўйсунмайдиган ва вақти келиб ҳаммамизни домига тортадиган табиат қаршисида ёлғиз қолажамизни кўрсатиш учун экзистенциал ёзувчилар одатда персонажни мушкул аҳволга соладилар [11:111].

Экзистенциализмнинг юксак қоидаси – дунёнинг абсурдлик концепцияси – инсон ҳамда инсониятнинг кераксизлиги, мазмунсизлигидир. Экзистенциализм мафтункор ғояни илгари суради – шахс қадр-қимматга эга, лекин таълимотнинг умумий концепциясида ҳеч қандай қимматга эга эмас, унинг ҳаёти бу – абсурд [6:174]. Демак, экзистенциализм ўз номи билан мавжудлик ҳақидаги таълимот эканлигидан келиб чиқилса, инсон борлик қўйнида шунчаки мавжуд, холос. Инсон бу дунёда ўзига берилган яшаш имкониятидан фойдалана олади. Туғилиш ва ўлим Яратганнинг ҳукмида. Аммо яшашнинг муҳим шarti шуки, инсон ўз аслига интилиб яшай олса, сўнгги манзилга қўрқувсиз ета олади. Бу фикримизни экзистенциализмнинг асосчиларидан бири Жан-Поль Сартр (Jean-Paul Sartre)нинг ушбу ихтибоси билан мустаҳкамлаймиз: “Ҳаёт далилсиз моҳиятга эга эмас. Инсон ўз ҳаётини яшамагунча у ҳеч нимани англамайди, у ҳаётига ўзи моҳият бағишлаши керак бўлади” [4:17]. Инсон ўз ҳаётига мазмун бағишлаши абсурднинг бош ғоясидир. “Мен инсон табиатни қадрлай билиши, ундан завқ олиши кераклигини биламан. Шунинг ҳам тушуниб етиш кераки, инсон табиатнинг бир парчаси, табиат унга яшаш учун берилган макон, яшаганда ҳам фақат бир марта ақл ва завқ билан яшаши керак”, деб ҳақ гапни айтган эди атоқли адиб Ч.Айтматов.

Экзистенциалистлар инсон тушкунликка, умидсизликка тушмасликка чақиради. Инсоннинг эртами кечми барибир бир кун умри тугайдику, унда бу машаққатлару, бесамар урунишларга неҳожат деган киши ўзини, ўзлигини ва яшашдан мақсадини унутган саналади. Инсон яшаш даврида ўзидан яхшилиқлар қолдиришга, ҳаётда из (ном) қолдириб яшашга интилади. Бу интилиш эса инсон ўз ҳаётига маъно бағишлаш дегани.

Альбер Камю ҳаётдаги абсурднинг ғайриинсоний моҳиятини доим ёдда сақлашга чақиради. У абсурд оқимида тушиб пастлик сари кетишни эмас, балки абсурд оқимида қарши сузиш зарурлигини шундай ифодалайди: “Агар абсурд туйғуси бевосита ҳаракат қоидасига айлантирилса, унда бу туйғу ўз жонига қасд қилишни рад этади... Агар ҳеч нарсага ишонч қолмаса, ҳамма нарса маъносиз бўлиб, ҳеч нарсанинг қадр-қиммати бўлмаса, унда ҳамма нарса мумкин – ёвузлик ҳам, яхшилиқ ҳам жоиз ва аҳамиятсиз бўлиб қолади” [7:18]. Бундай ҳолатга тушиб қолмаслик учун А.Камю инсоний ҳақиқатга суянади. “Ҳаётнинг маъносини фақат инсон излайди, – деб ёзади у. – Бу дунёда ҳеч бўлмаганда битта ҳақиқат бор – у ҳам бўлса инсон ҳақиқатидир. Шунинг учун, аввало, инсонни қутқариш керак” [7:18]. Камюнинг бу сатрларида инсонга нисбатан меҳр-муҳаббат ва уни бу дунёнинг оғир машаққатларидан, азобу уқубатларидан қутқаришга қаратилган олийжаноб мақсадни кўришимиз мумкин.

Ўтган асрнинг охирларидан бошлаб ўзбек адабиётида ҳам инсон “мен”и тадқиқ ва таҳлил қилинган бадиий асарлар салоҳияти бир мунча ошганини кузатамиз. Бу асарларда (жумладан, Хуршид Дўстмуҳаммад, Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Назар Эшонқул, Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон, Нормурод Норқобилов ва Нурали Қобул сингари адиблар асарларида) инсон факторини ўзига хос олам сифатида ўрганиш ва инсон характеридаги карама-қаршиликларни тасвирлашда ноанъанавий усулларни (Ғарбона модернча тасвирлашни) кўришимиз мумкин. Бу борада адибларимизга Ф.Кафка, М.Пруст, Ж.-П.Сартр, А.Камю, С.Беккет сингари жаҳон адабиёти тафаккури ривожига улкан ҳисса қўшган даҳо ёзувчилар ижодининг ва бадиий салмоғи жиҳатдан буюк асарларининг таъсири бўлганини рад этиш ножоиздир.

Шу ўринда, филология фанлари доктори Абдуғоппир Қосимов ўзининг докторлик диссертациясида “Миллий доиралардан четга чиқиб, кенг кўламда фикрлаш, ижодий алоқага киришиш барча даврларда ҳам илғор эстетик қарашларнинг асосий хусусияти бўлган. Шунга қарамай, биз миллий адабий жараён ривожланишининг асосини бошқа мамлакатлар ва халқлар адабиёти таъсири ташкил этади, деган фикрдан йироқмиз” [9:15], дея таъкидлаб ўтади. Тўғри, маълум халқ, миллат адабиёти ўзга халқ адабиётига тўлалигича таъсир қила олмайди. Лекин айрим жабҳаларда ижодий таъсирланишлар кузатилади. Бир халқ адабиёти бошқа халқ адабиётидан, бир ёзувчи иккинчи бир ёзувчидан илҳомланиши ёки ўзаро ижодий уйғунликда бўлиши табиий жараёндир. Жумладан, С.Аҳмад ва А.Қаҳҳор ҳикояларидан Мопассаннинг ижодий услуби, Ў.Ҳошимов романларида У.Фолкнернинг айрим қарашларини шу ва юқоридаги таъкидлаганларимиз сингари кўплаб адабий таъсирланишларни кўришимиз мумкин.

Мана шундай адабий таъсирнинг ижобий самараси сифатида Хуршид Дўстмуҳаммад “Донишманд Сизиф” романини яратиб, жаҳоний қаҳрамон Сизифни ўзбек китобхонларига таништирди.

Профессор Д.Тўраев Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” романи хусусида фикр билдириб, шундай ёзади: “Сизиф ҳақидаги юнон мифида у донишманд эмас, балки маъбудларни алдовчи, айёр, худбин, фирибгар деб кўрсатилади. Хуршид Дўстмуҳаммад қадимий ривоятни мутлақо ўзгартириб юборган. У қаҳрамонини калтабин замондошлари устидан кулувчи, Фауст каби ўзини барчадан баланд ва доно билувчи инсон қилиб тасвирлайди” [13:193]. Қадим юнон мифологиясидан бизга маълумки, Гомер, Эсхил, Софокл, Эврипид, Овидий сингари буюк юнон мутафаккирлари ўз асарларида Сизифни турли қиёфа ва характерларда қаламга олишган. Бу асарларнинг барчасида Сизиф образи учун ягона хусусият борки, уларнинг талқинича, Сизиф ўта хушёр, фирибгар, маъбудларни алдовчи, уларнинг сирларини фош қилиб, амрига итоат қилмай, бўйин товлаган. Сизиф аслида ким бўлганлиги қадим юнон афсона ва ривоятларида шундай баён этилади [Қаранг: 8:53], Сизиф аслида шамоллар ҳукмдори Эолнинг ўғли бўлиб, у қадим замонларда Эфира деб аталган Коринф шаҳрининг асосчиси ва ҳокими бўлган. Юнонистонда ҳеч ким маккорлик ва зукколикда Сизиф билан тенглаша олмаган. Сизиф ўзининг маккорлиги туфайли Коринфда беҳисоб бойлик тўплаган. Ҳатто унинг жонини олиш учун Ўлим худоси кўрқинчли Танат унинг ҳузурига келганда уни келишини олдиндан сезган Сизиф худо Танатни макр-ҳийла билан алдаб занжирбанд қилишга муваффақ бўлган. Ўшанда ер юзида одамларга ўлим йўламайди, маълум вақт одамлар ўлмай, узок яшашган.

Ер ости салтанати худоси (Аид)га қурбонлар келтириш ҳам расм бўлмай қолади. Дабдабали дафн этишларга чек қўйилган эди. Хуллас, ер юзида маъбудлар маъбуди Зевс ўрнатган тартиб-интизом издан чиқади. Ўшанда Зевс Сизиф ҳузурига уруш худоси Аресни юборди. У Танатни кишанлардан озод қилади, Танат эса Сизифнинг арвоҳини ўликлар салтанатига бошлаб кетади.

Лекин учига чиққан хийлагар ва маккор Сизиф ўшанда ҳам ўзига мадад излаб топади. У хотинига ўз жасадини кўмдирмасликни тайинлаб, шунингдек, ер ости худоларига қурбонлик ҳам келтирмасликни қатъий уқдиради. Сизифнинг хотини эрининг васиятини бажо келтиради. Аид ва Персефона (Аиднинг хотини, Зевснинг қизи) дафн қурбонларини узок



вақт кутишади. Улардан ҳамон дарак бўлмайди. Ниҳоят, Сизиф Аиднинг тахтига яқинлашиб, ўликлар салтанатининг ҳукмдорига қарата: “О, ўлик жонлар ҳукмдори, буюк Аид, кудратлиликда Зевсга тенг ҳукмдор, мени қўйиб юбор, ёруғ дунёга чиқай. Хотинимга сенга катта қурбонлар келтиришни амр этиб, тагин кўланкалар салтанатига қайтиб келаман” [8:53], дея хитоб қилади.

Сизиф ҳукмдор Аидни шундай йўл билан алдайди, у унга ерга чиқишга рухсат беради. Сизифнинг Аид салтанати (ўликлар салтанати, нариги дунё – назарда тутилмоқда – М.А.)га қайтиб келмаслиги табиийдир. У ўзининг муҳташам қасрида қолиб, қоронғи кўланкалар салтанатидан қайтиб келишга муваффақ бўлган ягона фонийзот эканлигидан оғзи қулоғига этиб, шод-хуррамлик билан базмлар қуради.

Аиднинг қаҳри келиб, Танатни тагин Сизифнинг арвоҳини олиб келиш учун юборади. Танат фонийзотлар ичида энг маккорининг қасрига қадам ранжида қилади ва уни базму жамшид чоғида учратиб, Худолар ва одамлар учун манфур зот бўлиб қолган Сизифнинг арвоҳини суғуриб олади, арвоҳи эса энди мангуликка, кўланкалар салтанатига учиб кетди.

Хуллас Сизиф бу қилмишлари билан тангриларга қарши чиққанликда айбланиб, Аид салтанатида оғир харсангтошни тоабод тоғ бошига думалатиб олиб чиқишга маҳкум этилгандики, у энди тоғ бошига етдим, деганда тош яна пастга қараб думалаб тушиб кетаверган. Бу маъносиз ва бесамар фаолият неча минг, неча миллион мароталаб такрорланаверган. Маъбудлар Сизифни ана шундай қатъий жазога ҳукм этдилар. Сизиф эса бу ҳукмни адо этишга мажбур! Қолаверса, тош ҳам Сизифга бегона эмас, Гомернинг “Илиада” достонида тасвирланишича [17:449], Сизиф ўта таъмагир, шуҳратпараст, йўлтўсар-қароқчи, йўловчиларни тунаб, бойликларини тортиб олиб, ўзларини эса ана шу улкан тош остига бостириб, азоблаб ўлдирган ва бу ишидан ўзи завқланган. Тақдир чархпалаги айланиб, қилмиш-қидирмиш деганларидек, унинг қуроли бўлган мана шу тош эндиликда унинг ўзига қарши қурол сифатида қўйилди, у учун жазо тоши, қисмат тошига айланиб турибди. Юнон маъбудлари маккор Сизифга ана шу жазони лойик кўришди. Маъбудлар наздида, бандаси учун бефойда ва бесамар ишни қайта-қайта бажараверишдан кўра оғирроқ, даҳшатлироқ жазо йўқ эди. Ниҳоят Сизифни узоқ ва машаққатли “ҳаёт” кутарди. У ўзининг қисматига битилган жазони ўташни бошлайди, у тинимсиз равишда улкан харсангтошни тоғнинг энг тепасига думалатиб чиқарай деганда, тош ўз оғирлиги билан яна пастликка қараб юмалаб кетаверади. Аммо қайсар Сизиф ҳеч ҳам аҳдидан қайтмайди, ўз вазифасини такрор ва такрор бажараверади. Ҳар сафар тош пастга қараб думалаганида, Сизиф унинг ортидан ўз ишини янгидан бошлаш учун ҳафсаласи пир бўлиб тушиб кетаверади. Француз файласуф адиби Альбер Камю (Albert Camus)ни ана шу озгина фурсатда намоён бўлган Сизиф кизиқтиради. Яъни, ҳафсаласи пир бўлганда Сизифнинг онгида, руҳиятида рўй бераётган ҳолат кизиқтиради. Камю, “унинг хорғин юзини харсанг тошдан фарқлаб бўлмайди, мен адоқсиз машаққатлар томон толиққан, бироқ дадил қадамлар билан тушиб бораётган одамни тасаввур қиляпман, бу одам ўзининг мавжудлигини, бесамар иш билан шуғулланаётганини билса-да, бироқ уни ўзгартира олмаслиги – унинг қисматидир” [2:165], дея таъкидлаб, Сизифни абсурд қаҳрамони сифатида кўради. Юнон мифологиясидан олинган мана шу кичик фабула, шу кичик парча замирида Камю ўзининг фалсафий мушоҳадаларга бой “Сизиф ҳақида афсона” (Le Mythe de Sisyphé, 1942) эссесини яратди. Камю абсурд инсон деган тушунчага таъриф берар экан, уни ташқи олам ва ўзининг ички олами ўртасидаги зиддиятларига эга, ўзини маълум бир қобик (чегара) билан ўраб олиб, ўзини ҳимоялашга урунувчи одам, дея изоҳлайди. Камю “Сизиф ҳақида афсона” асарини Il faut imaginer Sisyphe heureux [2:166], яъни Сизифнинг бахтлилигини тасаввур қилмоқ керак (таржима бизники – М.А.), жумласини келтиради. Бу жамлани француз адабиётшунос олими, профессор Жак Колет шундай таърифлайди: “Бу жумлада тўғри ва тескари, сургунлик ва қироллик ўртасида туриб, шу замондан, шу оламдан айёрлик билан чиқа олмайдиган ва шунчаки “ўз кунига хўжайин” бўлишни истаган одамнинг бахтга бўлган иштиёқни акс эттиради” [3:86]. Олимнинг гапидан англашиладики, Сизифдаги бу иштиёқ уни яшашга, ҳаракатланишга мажбур қилади. У яшаш ва ўлим, ғалаба ва мағлубият, адолат ва адолатсизлик ўртасидаги

оламдан туриб, шу зулматда туриб ўлимга, инсонни емирилишга ундовчи даъватларга қарши турган исёнкор одам сифатида кўриш мумкин.

Камюнинг мақсади башариятга ўз кадр-қимматини, ўзлигини англатиш, унинг рўйи заминдаги вазифасини мудом эслатиб туриб, у дунёга инсон бўлиб келдими, инсон каби яшаши ва инсоний ўлим топиш, бу мақсадда унга ибрат, намуна бўладиган, ундан андаза оладиган образни кўрсатиш эди.

Агар Сизиф тошни тоғнинг тепасига олиб чиққанда нима бўларди? Ким билсин, балки унинг ўзи тошни яна пастлик томон думалатиб юборармиди? Камю айтмоқчики, абсурд, унга қарши чиққандагина маъно касб этади. Мақсадга эришиш йўлидаги узок машаққат, мақсадга етгандан кейинги лаззатдан афзалроқдир. Чунки машаққат чекмаган инсон лаззатнинг мазасини ҳис қилмайди.

Камю бу эссесидаги Сизиф образи орқали инсоннинг ички дунёсини, руҳиятини чуқур таҳлил қилиб, дунё адабиётига абсурднинг ёрқин мисолини кўрсатиб берди. Биз адабиётда абсурд ҳақида гапириб бошлаганимиз ҳамонқ, унга ёрқин мисол сифатида Сизифни келтирадиган бўлди. Сизиф ва абсурд бир-биридан ажралмас, ёнма-ён тушунчаларга айланиб қолди. Камю мана шу “Сизиф ҳақида афсона” эссеси орқали адабий боқийликка эришди.

Мифологияга кўра, Сизиф ўлимга маҳкум этилганлар орасида энг хушёр ва доноси бўлган. Юқорида таъкидлаганимиздек, у ҳатто нариги дунёда ҳам худоларни алдашга уринган ва ўзининг ҳақ эканлигини кўрсатишга доим ҳаракат қилган. Сизифнинг айнан мана шу характерида Камю золимларга қарши курашувчи исёнкор одам тимсолини кўради. Адибнинг фикрича, инсон яшаётган ҳаётнинг ўзи дўзах азобидан иборатдир. Одам бу ҳаётда қандай яшашни, кимга ишонишни, нимага кўнгил кўйишни билмайди. “Шундан англашиладики, Сизиф абсурд қаҳрамонидир”, деган хулосага келади Камю. Камюнинг бу фикрига профессор Йўлдош Солижонов “Ёзувчи бу афсонадаги образ ҳамда макон орқали реал ҳаётга муносабат билдиради. Бу маънисиз ҳаётда фойдасиз уруниш ва рўёбга чиқмайдиган умид билан яшаш абсурднинг фалсафий моҳиятини ташкил этар экан, Сизиф ўзининг ер юзидаги завқ-шавқли ҳаётию, даҳшатли қилмишлари, жаҳаннамда тортаётган азоб-уқубатию, кулфатлари билан бошқаларга ўртак бўлиши керак: Одамзод фоний дунёда кечирган беҳуда қилмишлари учун боқий дунёда жавоб беришга мажбур”, дея муносабат билдиради ва абсурд фалсафасининг Ислом дини қоидалари ва шартларига яқин келишини таъкидлайди [12:184].

Профессор М.Холбеков эса, “Камю қадим юнон мифологиясидан олинган машҳур афсонага янги ҳаёт бағишлайди. Сизифнинг иши замонавий инсонлар меҳнати билан бир хил эканлиги хусусидаги фикрини рад этиб бўлмайди. Кўп одамлар янгилик яратмайдилар, кашфиёт ва ихтиролар қилмайдилар, фақат бир зайлдаги ҳаракатлардан иборат юмушни кундан кунга бажараверадиладар. Сизифнинг бахти шундаки, у бир қарашда бемаъни ва бефойда бўлиб кўринган ишида ўзича маъно кўради”, деган фикрни келтиради [Қаранг: 14:222].

Профессор Абдураҳим Эркаев Европа адабиёти ва санъатининг равожланиш қонуниятлари, модернизм, постмодернизм, экзистенциализм ва онгости ҳодисаларини таҳлил қилишга киришган Ғарб адабиёти инсон ҳаётининг маънисини, инсон табиатининг кўздан яширин зиддиятлари, инсон яшаётган жамият унинг ҳаётини абсурдга айлантириши ҳақида ёзаётганини таъкидларкан, “ҳаёт фақат инқилобий ёки ижтимоий курашлардан, буюк кашфиётлардан, жамият эса фақат юксак туйғулар ва идеалларни улуғлайдиган, ёки ҳаёт фақат ижод дарди билан яшайдиган кишилардангина иборат бўлмайди. Аксинча, жамият аъзоларининг мутлоқ кўпчилиги ўз турмуш ташвишлари билан банд оддий инсонлардир... Турмуш асосан бир маромда, бир хил талабда давом этаверади” [18:142], деган мулоҳазаси М.Холбековнинг юқоридаги фикрини маъқуллайди.

Профессор Д.Тўраевнинг юқоридаги “Хуршид Дўстмуҳаммад қадимий ривоятни мутлақо ўзгартириб юборган” деган фикри диққатимизни тортди. Кузатишларимиз ва тадқиқотларимиз натижаси ўлароқ, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф”

романи яралишида бевосита юнон мифологияси эмас кўпроқ француз адиби Альбер Камюнинг “Сизиф ҳақида афсона” эссесидан илҳомланган, деган фикрга тўхталдик. Чунки, Гомерда ўта айёр, маккор сифатида тасвирланган Сизифга Камю инсон фактори сифатида қарайди, Камюнинг Сизифи бироз мушоҳадали, онгли инсон сифатида кўринади. Хуршид Дўстмуҳаммадга келиб Сизиф фалсафий мукаммаликка эришади, теран фикрлайдиган донишманд даражасига кўтарилади. Айни мана шу жиҳатлар билан Х.Дўстмуҳаммаднинг Сизифи Камюнинг қаҳрамонига кўп томонлама яқин туради. Сизиф сюжети қадим дунё воқелиги, асотири бўлса-да, Х.Дўстмуҳаммад унга янгича руҳ бериб, воқеалар худди ҳозирги замонда рўй бераётгандек, ёзувчи Сизиф ҳаракатларини кўриб, кузатиб тургандек тасвирлайди.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” романидаги инсон ва табиат, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар, инсон ва унинг руҳий оламининг тасвири донишмандлик билан ўткир фалсафий мушоҳадалар асосида ифодаланганки, ўқувчи беихтиёр ижодкор тафаккур кўлаמידан ҳайратга тушади. Файласуф ва адабиётшунос Абдурахим Эркаев таъбири билан айтганда, “асарнинг мукамаллиги, гўзаллиги у акс эттирган воқеалар ва объект хусусияти, чиройи билан эмас, балки ғояси илғорлиги, образларининг таъсирчан чиққани, яратилган образлар, воқеалар орқали эзгулик ва инсонпарварликни изчил ҳимоя қилиши адиб, санъаткорнинг маҳорати билан ўлчанади” [18:137].

“Дунёнинг турган-битгани иродадан иборат, дейишган. Дарҳақиқат, инсонни ирода тарк этса, еру осмон ҳам, қуёшу юлдузлар ҳам беҳуда-бефойда. Мен эса янги иродага ўргатаман одамларни!.. Ҳа, мутлақо янги иродага, демак, бошқача ҳаёт кечиринишга ўргатаман! Ана ўшанда бошқача яшай бошлайдилар, одамлар, дунё бошқача бўлиб қолади. Нукул азоб-укубатдан иборат бўлган ҳаёт барҳам топади. Нафақат манавиндақа бежон-бенем тош-тўпроқни кўтариш, сургаш-ташиш эмас, инсон зотини оёқости ва беқадр қиладиган ҳар қандай қора меҳнат машаққати батамом барҳам топади! Инсон ҳаёти ҳудами-беҳудами, бамаъними-бемаъними, деб йўқ ердан бош қотириб ўзларига ўзлари азоб бериб юришмайди одамлар” [16:360]. Асардаги ушбу ихтибос замирида абсурд таълимотининг бош ғояси “ҳаётдан маъно излашнинг ўзи – маънисизликдир” деган ақида яққол намоён бўлади. Яъни, ёзувчи, инсон ҳаётдан маъно излаши керак эмас, аксинча, унга янгича маъно ва руҳ бағишлаши лозимлигига ишора қилади.

“Донишманд Сизиф” романи публицистик услубда ёзилганлиги кўплаб тасвир ва қиёсларда сезилиб туради. Романда кўплаб тимсоллар, мажозларни кўришимиз мумкин. Масалан, ёзувчи бадий тасвиридаги харсангтошни – ҳаётнинг чексиз ва адоқсиз машаққатлару, азоб-укубатлар рамзи; тошнинг пастлик томон қайта-қайта юмалаши – инсоният галма-гал қарши оладиган шахсий ғам-ташвишлари, азоб-укубатлари; Сизифни эса – яшаш учун курашувчан, исёнкор, саботли инсон тимсоли сифатида талқин қилишимиз мумкин. У ноҳақликдан, ўлим ва зулматдан нафратланади. Ҳаётни, гўзалликни севади. Сизифга бу бесамар ишга умрбод сафарбар этилган шунчаки бир образ сифатида эмас, балки у олий манзилга кўз тиккан, мудом улкан мақсад ва умидлар ила яшайдиган, иродаси тошдан-да метин инсон образи сифатида қараш мумкин. У сира тақдирдан тан бермас, у жисман қийноқда бўлса-да, руҳан маъбудлардан юқорида туради. Замонамиз одамлари ҳам Сизиф сингари азоб-укубатли, ҳар кун, ҳар онда тинмай ҳаракат ва меҳнат қилиш, қайғуриш, азобланишга маҳкум. Демак, қарабмизки, “тақдир тоши” бугун ҳам думалашда давом этмоқда!

Сизиф жамиятнинг қолган юмушларидан ажралиб, нафақат жазони ўташга, балки бу бесамар юмушдан ўзича ҳикмат излашга интилади. Унинг бирдан бир мақсади харсангтошни чўққига олиб чиқиш бўлса-да, лекин яна бир таажжубли ҳолат борки, харсанг ҳар сафар пастга қараб думалаган заҳоти унга термулиб, ундан кўзини узмай боқаркан ўзини бир фурсат енгил тортарди. Негаки, Сизиф бу азобдан бир дам бўлса-да, қутилиб, елкасидан тоғ ағдарилгандек, ўзини енгил ҳис қиларди, бир фурсат тин оларди. Донишманд Сизиф бу кўнгилсизликдан ҳам шу каби маъно топган эди.

Сизиф тошни думалатиш орқали, ўзининг бахтсизлигидан нафратланишдан кўра, бу иш ичида ўзини бахтиёр ҳис қиларди. У кўксини қалқон қилиб, харсангтошни чўккига олиб чиқиш ҳақида қайғуради, астойдил қайғургани учун ҳам шу мақсад, шу орзу унинг сеvimли юмушига, ўтаётган умрининг мазмунига айланиб қолганди. Бу кимсасиз биёбонда унинг учун харсангтошни тепалик сари думалатишдан муқаддасроқ, савоблироқ бурч мақсад-вазифа йўқ эди, гўё. Сизиф қисматига битилган бу жазо тошини тепалик сари думалатишдек маънисиз, бесамар ишидан завқланарди, мамнун бўларди, негаки, бу маънисизликка Сизиф маъно бағишлаган эди. У бу тошга шу қадар боғланиб қолгандики, ҳатто унга меҳри товланиб, думалоқ, юмалоқ, бақалоқ кадрдони олдидан бир дам жилмасди. Унга адоқсиз машаққату уқубат ёғдирган бу машғулоти кейинчалик Сизиф ёқтириб, ҳатто уни севиб қолади, унингсиз туролмайди. Мана, Сизиф ўзининг бахтсиз ҳаётига бахтиёрлик улашган маъно! Мана унинг маънисиз ҳаётига берган мазмун ва умид! У кимсасиз биёбонда, бу тоғу тошлар орасида ёхуд ўзи ўтаётган жазо тоши остида ҳасдек ҳалок бўлиши, қузғунларга ем бўлиши ҳам мумкин эди. У ўлимни қабул қилмади, дадил туриб ўлимга қарши курашди. Сизифнинг бу зайлдаги ҳаракати А.Камюнинг “яшаш бу – абсурдни чуқур ва кенг тадқиқ қилиш, унга қарши исён кўтаришдир. Абсурд менинг исёним, менинг эркинлигим ва менинг эҳтиросларимдан ҳосил бўлади. Ақлимни ишга солиб, ўлимга итоаткорона бўйсунуш қоидасини яшаш қоидасига айлантираман ва ўз жонимга қасд қилишни рад қиламан” деган фикри ҳақ эканлигини исботлайди. Шу тариқа, А.Камю ва Х.Дўстмуҳаммаднинг ижодида ўзаро уйғунлик ва муштараклик ҳижатларини кўришимиз мумкин.

Сизиф бахтсиз вазиятга нисбатан оптимистик нуқтаи назар билан қарайди. У шу бахтсизлик ичидан ўзини бахтиёр ҳис қилади. У ўзига раво кўрилган жазо ҳақида ўйларкан, унинг назарида, бекорчиликдан кўра даҳшатлироқ, ёвузроқ жазо йўқ, бордию уни бекор қолдиришганида Сизиф бечоранинг тақдирини нима кечарди. Шу харсангнинг борлиги, айниқса уни чўкки томонга олиб чиқишга маҳкумлиги Сизифнинг таърифга тили ожиз бахти, қувончи, саодати эди. Ёки бўлмаса, маъбудлар унга ўтаб бўлмас – ҳар тунда бир юлдузни мавҳ этасан, тунги Оймумани тилим-тилимлаб шу тоғ ёнбағрига қовун қоқидек қилиб териб чиқасан ёхуд офтобнинг қоқ бетига ханжар санч! дея жазолар ёғдиргандачи, унда кўрмасанг бунда кўр эди Сизифнинг ҳоли нима кечишини. Шу сабабдан ҳам харсангни юмалатиш жазоси бошқа ҳар қандай шафқатсиз жазолардан кўра, энгилроқ ва азизроқ эди. Шу тариқа Сизиф ўзи учун ҳам ақлий, ҳам жисмоний жаҳатдан чиникиб, кадрдони бўлиб қолган харсангтош Сизифнинг донишманд сифатида шаклланишида асосий омил бўлди.

Сизиф англадики, тошни бутунлигича думалатиб чўккига олиб чиқишнинг имкони йўқ. Шунинг учун унга тиним бермай думалатаверса, тош ҳам ўз оғирлигидан пастликка қараб юмалаб кетавериши оқибатида, у емирилади, кичраяди, парчаларга бўлиниб кетади. Кейин эса бу оғир машаққат барҳам топади. Айни мана шу жиҳат ҳам Сизифнинг донишмадларга хос мушоҳада юритишидан далолат беради. Бундан ташқари, “оғирга – оғир бўлиш даркор. Оғирга энгиллик кетмайди, оғирни оғирлик билан энгиш мумкин, энгиллик билан эмас!” қабилда иш тутиб, бу оғир харсангни энгиш учун Сизиф босиқ, сабрли, матонатли бўлиш кераклигини аллақачон тушуниб етган эди. Сизиф илк бор бу даҳшатли жазони ўташни бошлагандан буён озмунча давр ўтмадими, у озмунча жабр-ситамни бошидан кечирмадими, лекин унинг кучи камаймади, ғайрати сира сўнмади, яъни ёзувчи таъбири билан айтганда, ўзи эса бутун бошли одам-чидамга, одам-бардошга, одам-иродага айланиб кетди.

Сизиф тошни думалатиш каби бефойда иш билан шуғулланишдан ҳарчанд мамнун бўлмасин, у ҳам одам, яъни ижтимоий мавжудот. У ҳам ижтимоий алоқага муҳтож. Унинг тош билан суҳбатлашиши, унга (тошга) раҳми келиши каби ҳолатларга кўникиб кетган, тақдирга тан берган бўлса-да, бордию, тоғ ёнбағрида илк одам шарпасини кўриб қолганида борми, унинг ичида шу ижтимоий муҳитга (инсонлар билан суҳбатга) интилиш иштиёқи аланга олиб кетарди худди Даниэл Дефонинг Робинзон Крузоси сингари (“Кема қораси кўриниши биланок одамларни жуда соғинганлигим, уларнинг қиёфасини кўришга, овозларини эшитишга, қўлларини сиқиб кўришишга, улар билан дардлашиб ҳамсуҳбат бўлишга жуда зор бўлганлигим яна ҳам аён бўлди! ... ақалли бир киши омон қолиб, менинг

ёнимга сузиб келса кошки эди! ... Якка-ёлғиз умр кечира бошлаганимдан буён одамлар билан бирга бўлмоғимни ҳеч маҳал бунчалик қаттиқ ихтиёр қилганим йўқ.” Д.Дефо. Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари” асари, 111-бет). Сизиф бу жазо биёбонида кадрдонига айланиб қолган қисмат тоши, бутун тоғу тош, бутун биёбон, ҳатто денгиз мавжларидан тортиб боши устидан сузиб ўтаётган паға-паға булутлар билан бақириб суҳбатлашар ва улардан севиниб ҳам кетарди. Ҳатто Сизиф қисматига битилган бу харсангтошга инсоний муносабатда бўлиб, унга Сисиф (харсангтошга шундай исм қўйган [16:322]) деб исм ҳам қўйганди, уни шунчалик яхши кўрганидан қучоқлаб бағрига босар, унга чексиз меҳрибонлик қиларди. Бу ҳолат эса, Аристотелнинг “одам – ижтимоий мавжудот, мутлоқ ёлғизликда яхши яшаши учун у ёки ҳайвон ёки Худо бўлиши керак” деган машхур фикрини тўла маънода маъқуллайди.

“Тўхтовсиз ўтгувчи замонга инсон дош бермаслиги, тоғу тош, харсангтош дош бермаслиги мумкин..., ҳаммасидан даҳшатлиси, Сизифнинг назарида вақт тақа-тақ тўхтаб қолгандек, у вақт тушунчасини аллақачонлар унутиб юборган эди... Йилни ҳам, кунни ҳам, соату дақиқаларни ҳам унутди у. Вақтни унутган ўзини ҳам унутади. Ўзини унутган одам мўлжални, режани, ҳисоб-китобни унутади. Яшамаётгандек яшайди.” Бу каби инсонларнинг ҳаётда борлиги ҳам йўқлиги ҳам, керагу керак эмаслиги ҳам аҳамиятсиз. Бундай ҳолатга тушган одамнинг қисмати нима кечишини яхши билган Сизиф доим ўзини назорат қилиб турарди, ўзига ўзи савол берар ва унга ўзи жавоб берарди, ўзининг ким эканлигини, аввал нима ишлар қилгану, бундан кейин ҳам қўлидан нималар келишини ўзига эслатиб турар эди. “Фақат, туриб-туриб, ёлғиз қолдиришгани алами Сизифнинг жонини ўртаб юборган дамларда у инсоний мулоқот йўқлиги боис жуда кўп сўзлар унут бўла бораётганини, бунинг оқибатида бир хил сўз-бир хил гапни бот-бот такрорлайверганини пайқаб қолар, ёдига нима ва қандай сўзлар келса, қаторлаштириб айтиб ташлар ва яна... гашини келтирувчи такрорга дуч келарди.” Демак, инсонни абсурд дунёсидан қутқарадиган бирдан бир нарса – умид ҳамда ҳар қанча машаққатли бўлмасин тинимсиз ҳаракат ва меҳнат эканлигини ёзувчи бизга Сизиф тимсолида баён этган.

“Тирик жон борки, ўз кузғуни бор. Қаерга бош олиб кетма, қаерга қочма, барибир ўша кузғунларнинг қўлига тушасан, бир умр қочишинг, жонимни сақлаяпман деб истаганча шодланишинг ҳам мумкин ва паймона тўлган лаҳзада сенга, қисматингга битилган – фақат ўзинггагина аталган кузғунларининг бошинг тепасида ҳозир у нозир бўладилар ва улар очофатларча ўзларининг боқий ва шафқатсиз бурчларини шиддат билан ўташга киришадилар. Додинг кимга, қаерга етади бу биёбонда? Тақдиринг, қисматинг олдида нечоғлик ёлғиз бўлсанг, мурдангни чўқилаб хомталаш қилувчи қора кузғунларининг олдида ҳам шунчалар ҳимоясиз ёлғизсан, ёлғиз!..” Мана шу каби инсон тақдирини битилган қисмат, шахс ва жамият келишмовчилиги ҳақидаги ижтимоий муаммолар, инсоннинг ҳаётдаги, кишилиқ жамиятдаги кадр-қиммати тўғрисидаги фалсафий факторларни асарнинг қарийб ҳар саҳифасида учратамиз.

Хуршид Дўстмуҳаммад Сизиф образи орқали бизни жамиятнинг шафқатсизлиги ва инсон руҳиятининг ёлғизлигини, инсон ёлғиз қолдирилганда унинг тақдирини нима кечиши, руҳий оламида, ботинида нималар рўй беришини кўришга сафарбар қилди. Сизиф ёлғиз, у инсонлардан олисда, инсоний мулоқотдан йироқ, демак у жамиятдан бегоналашган. Бу бегоналашув эса – абсурддир. Камюнинг таъбири билан айтганда, “ёлғизлик – инсонлар ўртасидаги риштанинг даҳшатли даражада узилиши” дир.

Х.Дўстмуҳаммад фойдаланган тасвирий маҳорат, оҳанг ва фалсафий мушоҳадалар орқали ўқувчига ҳаёт деб аталмиш бу улкан йўлни бесамар ва бемаъни босиб ўтиш ёки мақсадни улкан қўйиб, ўз ҳаётига янгича маъно ва мазмун бағишлаши фақат ва фақат унинг (инсоннинг) ўзигагина боғлиқ эканлиги Сизиф тилидан шундай баён этилади: “Одамнинг туриш-турмуши доимо бемаъни, дея жиргтакилик қилганлар бекор айтибдилар! Туриш-турмушнинг бемаънилиқка айланишига ҳам, уни бамаъни қилиш ҳам ҳар бир банданинг ўзида қолган! Мен исботлайман буни!” Тўғри, Сизифга шу қисмат битилди, лекин Сизиф бу

машаққатдан қутилиш умиди билан яшади, тинимсиз меҳнат ва ҳаракат қилди ва унга маъно бағишлашга эришди.

Файласуф адиб Хуршид Дўстмуҳаммад бу асари билан ҳаётда тинимсиз ҳаракатда бўлиб, меҳнат қилган инсон ҳеч қачон умидсизликка тушмаслигини, у қайси соҳа ходими бўлмасин, инсон бугуни каби ҳар бир кунидан роҳатланиб яшаши кераклигини ўқтиради. Сизиф ўзининг қайғули қисматини англаб етгани ва буни аниқ тушунгани унинг ғалабасидир. Буюк инсон биладики, унинг ҳаёти бир кунмас бир кун ўз ниҳоясига етади. Донишманд Сизиф ҳам тош яна тоғнинг этагига қулашини англайди. Бу англаш тақдирга, қисматга айланиб, инсоний муносабатларни муросага келтириб туради.

Ёзувчининг “Донишманд Сизиф” романи ўзини англаётган, қисматига битилган фожеадан қутулиш, халос бўлиш йўлини излаётган, ўзининг инсоний қиёфасини тиклаётган, эътиқодини мустаҳкамлаб, ўз ҳаёт тарзига янгича руҳ бераётган ақл-идрок, тафаккур ҳақидадир. Буюк адиб бу тафаккур орқали бани башарни хушёрликка чорлайди. Ҳаёти издан чиқаётган, инсоний фазилатлари, кадр-қиммати завол топиб бораётган одамга (абсурд одамига) бу фалсафий асар тўғри йўлни кўрсатувчи маёқ вазифасини ўтайди, дейишимизга тўла асос бор.

### Адабиётлар:

1. Camus, Albert. L'Homme révolté. – Paris: Gallimard, 1951.
2. Camus, Albert. Le Mythe de Sisyphe. – Paris: Gallimard, 1942.
3. Colette, Jacques. L'Existentialisme. – Paris: Presses Universitaires de France, 1994. -P. 86
4. Sartre, Jean-Paul. L'existentialisme et un humanism. Nagel, 1946; réédition Gallimard, coll. “Folio essais”, 1996. –p. 17.
5. Алимасов В. Экзистенциализмнинг “ота”си. // “Тафаккур” журнали, 2005 йил 3-сон. –Б. 92.
6. Юрий Б. Экзистенциализм: абсурд дунёсида ёлғиз инсон. // Рус тилидан Динара Эгамбердиева ва Шаҳноза Назарова таржимаси. “Жаҳон адабиёти” журнали, 2011 йил, 5-сон. –Б. 174.
7. Камю А. Избранное. М.: Радуга, 1988.
8. Кун Н.А. Қадимги юнон афсона ва ривоятлари. Рус тилидан Пошали Усмон ва Фазлиддин Шукур таржимаси. “Зарафшон” нашриёти, Самарқанд, 2005. –Б. 53.
9. Қосимов А. Типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг назарий муаммолари (А.де Сент-Экзюпери ва А.Камю ижоди мисолида): филол.фанлари доктори... дисс. – Фарғона, 2007. –Б. 15.
10. Назар Эшонкул. Ўзини англаётган одам. // “Жаҳон адабиёти” журнали, 2014 йил, 6-сон. – Б. 109.
11. Отабоев А. Экзистенциализм. // “Жаҳон адабиёти” журнали, 2015 йил, 1-сон. –Б. 111.
12. Солижонов Й. Сизиф ва абсурд. //“Жаҳон адабиёти” журнали, 2010 йил, 1-сон.
13. Тўраев Д. Сизиф ривояти ўзбек адиби талқинида. “Жаҳон адабиёти” журнали, 2018 йил, 6-сон. –Б. 193.
14. Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. Т.: “MUMTOZ SO'Z”, 2014, -Б. 222.
15. Холбеков М. Экзистенциализм: Альбер Камю. //“Жаҳон адабиёти” журнали, 2013 йил, 11-сон.
16. Хуршид Дўстмуҳаммад. “Донишманд Сизиф”. – Тошкент: “O‘zbekiston” НМИУ, 2016.
17. Ҳомер. Илиада. Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. –Б. 449.
18. Эркаев А. Эстетик онг ва бадиий билиш. // “Жаҳон адабиёти” журнали, 2015 йил, 11-сон.

**СЎЗ САНЪАТИ**  
**ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**  
**2 СОН, 3 ЖИЛД**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ**  
**ИСКУССТВО СЛОВА**  
**НОМЕР 2, ВЫПУСК 3**

**INTERNATIONAL JOURNAL**  
**OF WORD ART**  
**VOLUME 2, ISSUE 3**